

ТЎҒАНОҚЛИК
У қачон тугайди?

ХАТО:
УНИНГ КАТТА-КИЧИГИ ЙЎҚ!

АДВОКАТУРА
ВА ҲИМОЯ ҲУҚУҚИ

АРТУР ШОПЕНГАУЭР:
ШАРҚҚА ЮЗЛАНИШ

M E Z O N

Фуқароларнинг муурожаатларини кўриб чиқётган давлат органлари фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатлари шунингдек, жамият ва давлат манфаатлари бузилишини юзага келтирувчи сабабларини ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш мақсадида аризалар, тақлифлар ва шикоятларни белгиланган тартибда умумлаштирадиган ҳамада таҳлил этиб борадилар.

"ФУҚАРОЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИ ТЎҒРИСИДА"ГИ ҚОНУН, 22-МОДДА

Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуригимиз бўлсин!

ИНСОН ва ҚОНУН

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Сотувда эркин нархда

№ 30
(337)
2003 йил
29 ИЮЛ
сешанба

Istiqlol va imkoniyat

ЛИБЕРАЛЛАШТИРИШ
У ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИНИ ТЎЛИҚ КАФОЛАТЛАБ, ИСЛОҲОТЛАР ЖАРАЁНИНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА ОЛИБ ЧИҚДИ

Халқимиз истиқлолга эришгандан сўнг мамлакатимизда барча соҳаларда кенг қамровли тарихий ислохотлар амалга оширилди. Бу борада суд-ҳуқуқ тизимида том маънода туб бурилиш рўй берди. Бошқача айтганда, судлар фаолиятининг мустақиллиги тўлиқ таъминланди, миллий қонунчилик тизими ва қонун ижодкорлиги юзага келди. Бу жараённинг тадрижий давоми ўлароқ, Президентимиз Ислам Каримовнинг ташаббуси билан ривожланган демократик мамлакатларда қўлланиб келинаётган демократик тамойиллар ва мезонлар асосида ҳуқуқбузарлик ва жазо тизимида ўзгаришлар киритилди.

"Жиноят жазоларни либераллаштириш муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши нафақат жазо тизимида, балки инсонлар оғри ва тақдирини ҳам муҳим аҳамият касб этди. Зеро, мазкур ўзгаришлар аввало инсон ҳуқуқлари ва эркинлигини қонуний кафолатлаш баъбарарида ўзида инсонпарварлик тамойилларини акс эттирди. Инсон ҳаёти ва тақдирини билан бевосита дахлдор бўлган бундай ислохотлар замирида халқимизга ҳас қўллаб фазилатларнинг жамулхамлиги янада эътиборлидир. Шу маънода Жиноят Кодексининг 15-моддасидаги жиноятни таснифлашга доир меъёрларга киритилган ўзгариш ва қўшимчаларга ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жиноятлар доирасини кенгайтирди десак, асло тасо эмас. Чунки Жиноят Кодексининг барча моддалари меъёрлари мазкур модда талабларига мувофиқлаштирилди. Хусусан, қасддан содир этилиб, қонунда уч йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар ва эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган жиноятларга ажратилди. Унга оғир бўлмаган жиноятлар тоифасига эса қасддан содир этилиб, қонун-

да уч йилдан ортиқ, лекин беш йилдан кўп бўлмаган муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар, шунингдек, эҳтиётсизлик оқибатида содир этилиб, қонунда беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо назарда тутилган жиноятлар киритилди.

Қонунчиликка киритилган муҳим ўзгаришлардан бири шу бўлдики, янги таҳрирдаги Жиноят Кодексининг 51-моддасига биноан ўлим жазоси энг оғир, ижтимоий ҳавфилилик даражаси ниҳоятда юқори бўлган, жавобгарлики оғирлаштирувчи ҳолатларда қасддан одам ўлдириш (97-модда 2-қисми), агрессия (151-модда, 2-қисми), геноцид (153-модда), терроризм (155-модда 3-қисми) учун қолдирилди.

Ўлим жазоси аёлларга, ўн саккиз ёшга тулмасдан жиноят содир этган шахсга нисбатан тайинланиши мумкин эмас.

Жиноят Кодексининг 74-моддасида назарда тутилган жазони энгилроғи билан алмаштириш тўғрисидаги меъёрга киритилган қўшимча ва ўзгаришлар ҳам жиноят қонунини янада такомиллаштиришнинг эркин намунасидир. Ушбу моддага мазкур қўшимча ва ўзгаришлар киритилгунча озодликдан маҳрум қилиш ва ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинганлар:

1) ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ёки ўнча оғир бўлмаган жиноят учун суд томонидан тайинланган жазо муддатининг камида учдан бир қисмини ўтаб бўлганидан кейин қўланиши мумкин эди. Янги киритилган ўзгаришга биноан бундай жиноят учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида тўртдан бир қисмини ўтаб бўлганидан кейин;

2) оғир жинояти учун, шунингдек, қасддан содир этган жинояти учун агар у илгари қасддан содир этган жинояти учун озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган бўлса, суд тайинлаган жазо муддатининг камида ярмини ўтаб бўлганидан кейин энгилроқ жазо билан алмаштириш мумкин бўлган бўлса, янги киритилган ўзгаришга биноан камида учдан бир қисмини ўтаб бўлганидан кейин энгилроқ жазо билан алмаштириш мумкин бўлди;

3) ўта оғир жинояти учун шунингдек, жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш ёки жазони энгилроғи билан алмаштириш қўлланилган ва жазонинг ўталмаган қисми мобайнида қасддан содир этган жинояти учун суд тайинлаган жазо муддатининг камида учдан икки қисмини ҳақиқатда ўтаб бўлганидан кейин энгилроқ жазо билан алмаштириш мумкин бўлди.

Бундан ташқари, жиний жавобгарлик назарда тутилган иқтисодий жиноятларнинг ҳам бир қанчасига нисбатан жиний жазолар бекор қилиниб, жарималар билан алмаштирилди. Жиноят Кодексининг мулкий зарар етказиш билан боғлиқ жиноятлар учун жавобгарлики назарда тутилган айрим моддаларининг санкциялари қайта кўриб чиқилди. Аниқроқ қилиб айтганда, иқтисодий жиноятларга оид 18 та моддага (166, 167, 168, 169, 170, 173, 174, 175, 177, 179, 180, 181, 182, 184, 186-1, 188, 189, 191) нисбатан жарима ва анча энгиллаштирилган санкциялар тадбиқ этилди. Жиний жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан амалдаги Жиноят Кодексидан "мол-мулкни мусодара қилиш" жазоси бутунлай чиқариб ташланди. Бу ҳол жазонинг адолатли бўлиши ва фуқароларнинг шахсий мол-мулкларига дахлсизлигини амалда таъминлади. Яъни бирор жиноят содир этган шахснинг мол-мулкни мусодара этилиши оқибатида ҳеч қандай гуноҳи йўқ бўлган оила аъзоларининг моддий жиҳатдан қийналиши каби салбий ҳолларга барҳам берилди. Эндликда жиний йўл билан топилган мулкни мусодара қилиш масалалари Жиноят-процессуал кодексининг 211, 284, 285-моддалари асосида ҳал этилди.

Либераллаштириш жараёнининг ҳам муҳим жиҳати Жиноят Кодексига «Ярашилганлиги муносабати билан жиний жавобгарликдан озод қилиш тўғрисида»ги 66-1-моддасининг киритилишидир. Ушбу институт бир қанча содир этилган хатти-ҳаракат учун тарафларнинг ярашиши асосида жиний жавобгарлик белгиланмаслигини назарда тулади. Ушбу моддада назарда тутилган жиноятларни содир этган шахсни жавобгарликдан озод қилиш жараёнида шахс-


нинг биринчи марта жиноят содир этгани, ўз айбига иқроқлиги, жабрланувчи билан ярашгани ва етказилган зарарини қоплагани ҳолатлари муҳим аҳамиятга эга.

Ярашу тўғрисидаги ишти-тутининг амалиёти жорий этилиши муносабати билан Жиноят-процессуал кодексига янги 5 та моддалар иборат 62-боб киритилди. Ушбу боб «Ярашу тўғрисидаги ишлар бўйича иш юритиш» деб номланди.

Жазо чораларининг либераллаштирилиши тўғрисида Жиноят Кодексининг 167-модда (ўзлаштириш ва растрата йўли билан талон-тарож қилиш), 182-модда (божхона тўғрисидаги қонунларни бузиш), 184-модда (солик ва бошқа тўловларни тўлашдан бўйин товлаш), 188-модда (савдо ёки воситачилик фаолияти билан қонунга хилоф равишда шугулланиш), 189-модда (савдо ёки хизмат кўрсатиш қондаларини бузиш) матни янги таҳрирда баён этилиб, бу моддаларнинг биринчи қисмидаги жиноятлар Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга ўтказилди ва уларага нисбатан маъмурий жазо чоралари қўлланилиши белгиланган бўлди.

Хулоса ўрнида айтсақ, жиний жазоларнинг либераллаштирилиши истиқлол яратган салмоқли имкониятлардан биридир. Зеро, Жиноят, Жиноят-процессуал ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларга киритилган ўзгариш ва қўшимчаларнинг мамлакатимизда амалга оширилган ҳуқуқий-демократик ислохотлар тараққиёти йўлидаги дадил қадам ҳисобланади. Бу каби тарихий ўзгаришлар адолат ва инсонпарварлик тамойилларига асосланган иш-чилик ҳуқуқий ислохотларнинг эркин ифодасидир. Бу эса мамлакатимизда инсон шайни, эркинлиги ва ҳуқуқлари энг олий қадрият экани ҳамда улара қонуний кафолатланганини исботлади.

Зокиржон БАҲРОЕВ,
ҳуқуқшунос



Bag'rikenglik

Инсон ҳаёти ҳеч қачон бир маромда кечмайди. Ютуқлар, йўқотиш-у адашишлар ҳаминша ёлма-ён юради. Шу боис ҳаётда айрим одамлар билиб-билмай адашиб хато йўлга киришади. Бу адашиб баъзан жуда қимматга тушади. Шундай кезларда одам меҳр-муруватга зор бўлади. Кечиримлик, бағрикенглик ва тантилик унга яна тўғри йўлга тушиб олишга имкон яратади. Ана шу олижаноб хислатлар халқимиз табиатида азал-азалдан мавжуд. Бу азалий қадрият мустақиллик йилларида янада кучлироқ намойён бўлмоқда. Мисол сифатида Президентимиз томонидан эълон қилинаётган, ҳаётдан адашган ва жиноят йўлига кириб қолган шахсларни авф этиш тўғрисидаги Фармонларни айтиб ўтиш жоиз. Мустақиллик йилларида Президентимиз Ислам Каримов ўн уч маротаба «Амнистия тўғрисида»ги Фармонга имзо чекиди. Биргина Бош Қомусимиз бўлган Конституциямизнинг 10 йиллиги муносабати билан Президентимиз томонидан эълон қилинган «Амнистия тўғрисида»ги Фармон 57783 нафар маҳкумга нисбатан қўлланилди.

Шундан: — 33752 нафар маҳкум жазодан муддатидан илгари озод этилди, жумладан, 5047 нафар маҳкум бевосита жазони ижро этиш муассасаларидан озодликка чиқарилиб бўлса, уларнинг 923 нафарини диний экстремистик ташиқлотлар таркибига давлатимиз Конституциявий тузумига қарши жиноятлар содир этган ва жазони ўташ даврида ўз қилмишларига чин қўнғилдан пушаймон, амалда қатъиян тузалашга ўтганлар ташкил этади.

— 24031 нафар маҳкумнинг жазо муддати қисқартирилди. Озодликка чиққан маҳкумларнинг тинч ҳаётга мослашиши учун 59 миллион 230 минг сўм миқдоридан моддий ёрдам кўрсатилди.

Кўриниб турибдики, ушбу тарихий ҳужжатлар жамиятда ижтимоий адолатни қарор топтириш ва уни мустақкамлашда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ҳар бир Фармондан сўнг минглаб адашган фуқаролар ўз оиласи ва тинч ҳаёт бағрига қайтди. Бундай бағрикенглик ва тантилик улара ҳаётда сира ўчмас из қолдириши шубҳасиз. Зеро, улара эззулик туфайли қайта ҳаёт бошламоқда. Энди улара ҳалол меҳнат қилиб, оиласи, қариндosh-уруғлари, маҳалла-қўй ва эл-юрт олдига айбларини ююши тайин. Чунки эззулик эззулик қуртакларини пайдо этади. Бунга авф қилинган маҳкумларнинг таҳриятимизга йўлаган пушаймонлик ва миннатдорчилик акс этган ихроқларида ҳам кўриш мумкин.

ЯНА ҲАЁТГА ҚАЙТДИМ!

Инсон обрў-эътиборга йиллар мобайнида, тер тўкиб эришар экан-у, аммо уни кўз очиб-юмгунча йўқотиб қўйиш ҳам мумкин экан. Нафс деганларини ўз вақтида тиймасан, не балоларга гирифторм қилишини ўз ҳаётим мисолида аниқ бўлса-да, тотиб кўришга тўғри келди.

Кйр-у ҳавага берилиб, бировларнинг фикрини назарписанд қилмай, насиҳатларга қулоқ солмай қўйганим. Ким менга насихат қилса, кўзимга душман бўлиб қўйнарди. Ишда ҳам кўним тополмай қолдим. Ишдан бўшаб, яна ишга кириш мен учун одатий ҳолга айланди. Ишондаги парларга ҳам бир неча марта панд берганимдан кейин мулақо эътибордан қолдим, ишдан ҳайдашди.

Кейинчалик нотўғри йўлга кириб қолганимни ўзим ҳам сезмай қолдим. Лекин буларни ҳаммаси кўзимга арзимас майда-чуйдалардек, ҳеч ким сезмаётгандай кўринарди. Баъзан шайтон йўлдан урди дейишадими, лекин шайтон ҳам, раҳмон ҳам ўзимизнинг дилимизда, азизлар. Қилмиш-қилдириш экан. Охир-оқибат қора курсида ўтиришга тўғри келди. Айниқса, муштипар онамнинг бусиз ҳам букчапар қаддини янада эгиб қўйдим. Оиламга ҳам қийин бўлди.

Яхшиямки, билиб-билмай қилган ишларимнинг пайи фурсатида қирқилди. Қўзим шайтонга очилди. Эндликда яхши ким-ў, ёмон кимлигини беш қўлда билман десам, хато қилмаيمان.

Ўқиган бўлсам ҳам ўқмаган эканман. Ешил гўрликдан иборат бўлиб қолмаслигини, афсуски, ўз вақтида фахлмай олмадим. Бу мен учун ниҳоятда қимматга тушди. Озодликдан маҳрум этилган, энди ҳаётим барбод бўлди, онам, қам-қариндош, маҳалла-қўйга қандай юз билан қарайман, деган

Biz va armiya

Навоний шаҳрида жойлашган ҳарбий қисмда сафарбарлик чакруви резерви ёки аскарларнинг илк бор тантанали равишда ҳарбий қасамёд қабул қилишга бағишланган маросим бўлиб ўтди. Унда маҳаллий ҳокимият идоралари, Олий Мажлис депутатлари вакиллари, «Маҳалла», «Нуроний» жамағатлари, «Қамолот» йшлар ижтимоий ҳаракати, хотин-қизлар қўмитаси, ўз-ўзини бошқариш, ички ишлар ва чегара қўшинлари вакиллари, аскарларнинг ота-оналари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.

АСКАР ВАТАН ҲИМОЯСИГА ШАЙ

Сафарбарлик чакруви резервидидаги бир ойлик ҳарбий машқларини ўтаган аскарлар навабатма-навабат сафдан чиқиб, ҳар бири овоз чиқариб ҳарбий қасамёд матнини ўқиб беришди. Ҳарбий қасамёд қабул қилинган, аскарларга ҳарбий гувоҳнома топширилди.

Сўнгра ҳарбий қасамёд қабул қилишга бағишланган тантанали иштирок бўлди. Тантанادا Навоний вилоят ҳокими Бақридан Рузиев, ота-оналардан Фотима Обидова, Сайфулла Жалилов, ёки аскар Обидон Бозоров, вилоят мудофиа ишлари бошқармаси бошлиғи Олимжон Умарасуллов сўзга чиқиб, аскарларни қасамёд қабул қилганиликлари билан табриқлашди. Маросим катнашчилари ҳарбий қисм ҳайти, яратилган шарт-шароитлар билан танишди.

— Биз мана шу қисмда ҳарбий қасамёд қабул қилиб, қўлимизга ҳарбий гувоҳномами ҳам олдиқ. — дейди оддий аскар Рашид Очиров. — Шу кунда ҳар бири тоқибдан техника курсларини иштироки, отиш, сакда юриш ва ҳарбий тактик усулларни ўргандик. Ҳарбий машқларда катта синовлардан ўтдик. Энди мен ўзимни Ватанамга, Юртбошимизга садоқатли хизмат қилганидан ўлғон деб ҳисобласам бўлади. Хали олдинда орауларим кўп. Уйлайманки, биз, йшлар ақдодларимиз Жалолуддин Мангуберди, Наҳмидин Қўбро, Амир Темирдек жасур, мард ва она Ватанимизнинг ҳақиқий ҳимоятчилари бўлиб етганимиз. Президентимиз атрофда жиқлашсан, ҳар хил усурларга қарши курашаемиз. Сафарбарлик чакруви резерви хизматини ўташ бизлар учун жуда мавқул бўлди.

Дароқе, Вазирлар Маҳкамасининг 22 феврал 2003 йилда эълон қилинган «Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг сафарбарлик чакруви резерви хизматини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори Навоний вилоятида ҳам ўз ихросини топмоқда. Навоний ва Бухоро вилоятларидан келиб Навоний шаҳридаги ҳарбий қисмда бир гуҳор ёш аскарлар йиғитлик бурчини ўташати. Улар энди Ватан ҳимоясига шай ҳисобланишади.

Ёрқул УМАРОВ,
"Инсон ва қонун" муҳбири

ҚОНУН КАФОЛАТИ

Мамлакатимизда тадбиркорлик ҳар томонлама қўллаб-қувватланмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ, ҳозирги кунда биргина Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудида 12875 та кичик ва ўрта бизнес субъектлари фаолият кўрсатмоқда. Бу борада эришилган ютуқларни санаб адоғига етиш мушкул. Лекин шу билан бирга жойларда тадбиркорлик раванқига бор бўлаётган айрим камчиликлар ҳам бори, улардан кўз юмishi асло мумкин эмас. Шулардан бири ишбилармонлик фаолияти билан боғлиқ қонунлар ва бошқа меъёрий ҳужжатлар талабларига тўғри амал қилинмаётганлигидир. Бунга Эллиқалъа туман Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази томонидан "Хамкор" маъсуляти чекланган жамиятида, Чимбой туман Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази томонидан "Гулпаршин" санаториясида ноқонуний текширишлар ўтказилганини мисол сифатида келтириш мумкин. Бундан ташқари айрим назорат қилувчи идора ходимлари атайин ноқонуний текширишлар уюштиришмоқда. Қорақалпоғистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитасининг Буюрний буйича бош инспектори Г.Полвониева, Қорақалпоғистон Республикаси Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамияти Федерацияси вакиллари Р. Худойберганов ва М.Йўлдошев, Буюрний туман Давлат санитария-эпидемиология назорати маркази бош шифокори ўринбосари М.Қўрбонбоевалар шундай йўл туттишган. Улар "Жамшид" фирмасига қарашли "Ирода" ошхонасида антика мониторинг ўтказишда. Текширувчилар мониторинг давомида фуқаро Абдулла Аминовнинг "Ирода" ошхонасидан бир шиша минерал сув сотиб олгани, лекин фуқарога касса чеки берилмаганини аниқлашган ва Монополиядан чиқариш ҳамда рақобатни ривожлантириш қўмитасининг шу йил 20 май кундаги қарори билан "Жамшид" фирмасига 544 минг сўм жарима солинган.

Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан ушбу масала ўрганиб чиқилганда, бош инспектор Г.Полвониеванинг мониторинг ўтказиш баҳонасида олдиндан тайёргарлик қилиб, "Ирода" ошхонасида ноқонуний текшириш ўтказгани маълум бўлди. Шу боис Қорақалпоғистон Республикаси ҳўжалик судига Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитасининг "Жамшид" фирмасидан 544 минг сўм жарима ундириш ҳақидаги қарорини ҳақиқий эмас, деб топилш юзасидан даъво аризаси, жиноят ишлари бўйича Буюрний туман судига бош инспектор Г.Полвониевановани жавобгарликка тортиш тўғрисида тақлиф ҳамда Буюрний туманлараро фуқаролик ишлари судига "Жамшид" фирмаси директори Хамид Эшоннов фойдасига жавобгар шахслардан маънавий зарар ундириш тўғрисида даъво аризаси киритилди.

Адлия вазирлиги ходимлари томонидан ўтказилган текширишлар жараёнида жойларда тадбиркорларни асосида равишда жавобгарликка тортиш, "Тек-

Islahotlar jarayoni

ширишларни рўйхатга олиш китоби"ни тўлдириш ҳолатларига дуч келинаётгани ҳам аниқланди. Жумладан, "Пахтабанк"нинг Эллиқалъа ва Шуманлий туманлари бўлимларида махсус гувоҳнома ҳамда тегишли буйруққа эга бўлмаган шахслар ҳўжалик йортувчи субъектларнинг молиявий-ҳўжалик фаолиятларини текширишган. "Жума-Қаип" ҳусусий ишлаб чиқариш корхонаси "Турон" банкнинг Нукус бўлимининг "Бизнес-фонд" акциядорлик жамиятининг кредит линияси бўйича ўзига берилиши лозим бўлган 1 миллион сўм кредитдан атиги 600 минг сўмини олган. Қилмишга яраша деганларидек, тадбиркорларни кредит билан таъминлашга доир ҳужжат қарорлари ва бошқа меъёрий ҳужжатлар талабларига амал қилмаган раҳбар шахслар тегишли тартибда жавобгарликка тортилди.

Жорий йилнинг биринчи ярми давомида Қорақалпоғистон Республикаси Адлия вазирлиги тадбиркорлик ҳуқуқлари жимояси юзасидан 140 та ариза келиб тушди ва асосий қисми қонун талаблари асосида қаноатлантирилди.

Масалан, вазирликка ариза йўллаган тадбиркор Т.Ражабов фойдасига Амуларё туманидаги "Қилчоқ" ширкат ҳўжалиги раиси С.Жумамуродов ҳисобидан 300 минг сўм маънавий зарар ундириб берилди. Еки Тўртқўл туманидаги "Эргаш", "Раҳмон бобо" фермер ҳўжаликларининг ноқонуний тарзда олиб қўйилган ерлари ўз эгаларига қайтарилди. Очиги, бу каби мисолларни яна қўллаб келтириб ўтиш мумкин. Лекин гап уларнинг саногиди эмас, балки ижобий ечим топилшида эканини унутмаслик зарур.

(Давоми иккинчи ботда)

Фафур АБДУМАЖИДОВ, профессор

АДВОКАТУРА ВА ҲИМОЯ ҲУҚУҚИ

Авалло шунинг таъкидлаш жоизки, мамлакатимизда адвокатура тизимини тубдан ислоҳ қилиш Конституциямизнинг 116-моддасидаги талабларга мос равишда олиб борилмоқда. Нега деганда, Конституцияга биноан, ҳар бир фуқаронинг малакали юридик ёрдам олиш ҳуқуқини давлат кафолатлаши лозим. Шу мақсадда ташкил этилган адвокатура нодавлат ташкилот бўлса-да, давлат томонидан таъминланиши лозим бўлган вазифани амалга оширмоқда. Бу демократик ҳуқуқий давлатдан фуқаровий жамият сари ривожланишининг ўзига хос намоён бўлишидан иборат.

Ана шу нуқтаи назардан қараганда, адвокатура инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ҳамда ҳимоялашда давлатнинг муҳим таянчи, ақин кўмакчиси десак, хато бўлмайди.

Албатта, адвокатура фаолияти иқтисодий ҳужалик, тадбиркорлик ва тижорат билан боғлиқ эмас. Бунинг устига унинг ўзини-ўзи бошқарадиган, муштариф касбий уюшма эканлиги ҳам шубҳа йўқ. Лекин бу ҳам қонунда тўлиқ ўз ифодасини топиши ва амалиётда ҳам қўлланишини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Афсуски, ташкилий ва моддий-моявий жиҳатдан адвокатура давлат бошқарув идораларига қарамлиқдан тўлиқ халос бўлганича йўқ. Мана бир мисол. Адвокатура ҳуқуқий маънада олиш учун мурожаат қилган фуқародан олинган ҳақнинг қаттигини қисми солиқ тарзида олинди. Адвокат ўз хизмати учун миқдор топширган маблағдан 30 фоизини ҳам олмайдди. Бу ҳол ўз навбатида адвокатларнинг миқдордан хуфя "муқофот" пули талаб қилишига сабаб бўлмоқда. Кези келганда шунинг айтиш жоизки, ҳорижий мамлакатларда адвокатнинг самарали ҳуқуқий ёрдам бергани, шунинг "қўлини" учун яширинча

эмас, ошқора муқофот тўлаш тартиби мавжуд. Айтмоқчиманки, бизда ҳам ана шундай илғор тажрибалар жорий этилса, яширинча даромад олишга ўхшаш бир қатор муаммоларга чек қўйилган бўларди.

Инсоннинг қонун билан кафолатланган ҳуқуқлари учун курашуви, ўз салоҳияти, ақл-заковати ва таърибасидан бошқа ҳеч қандай имтиёз ва ваколатга эга бўлмаган, ҳатто иқтисодий муҳтож тоифадан бўлишига қарамай, адвокатнинг вазифаси давлат томонидан таъминланган ҳуқуқларини қўллаш ва амалиётда ҳам қўлланишини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда.

Афсуски, ташкилий ва моддий-моявий жиҳатдан адвокатура давлат бошқарув идораларига қарамлиқдан тўлиқ халос бўлганича йўқ. Мана бир мисол. Адвокатура ҳуқуқий маънада олиш учун мурожаат қилган фуқародан олинган ҳақнинг қаттигини қисми солиқ тарзида олинди. Адвокат ўз хизмати учун миқдор топширган маблағдан 30 фоизини ҳам олмайдди. Бу ҳол ўз навбатида адвокатларнинг миқдордан хуфя "муқофот" пули талаб қилишига сабаб бўлмоқда. Кези келганда шунинг айтиш жоизки, ҳорижий мамлакатларда адвокатнинг самарали ҳуқуқий ёрдам бергани, шунинг "қўлини" учун яширинча

чалик тергов-суд маҳкамаларига ҳақ етиб бермайди.

Ҳолбуки, судларда кўрилатган кўпгина низоли ишларнинг мохиятига назар ташласак, улар фуқаролар ўз ҳақ-ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўз вақтида тушуниб етмагани оқибатида рўй берганига ғувоҳ бўламиз.

Шундан келиб чиқиб айтиш жоизки, амалдаги қонунларимизда ҳам масаланинг ана шу томонлари ўзининг тўла ақсини топса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Бугун ҳуқуқни муҳофаза қилиш амалиёти бир қатор янги масалаларни ўртага қўётганини ҳам таъкидлаш жоиз. "Адвокатура тўғрисида"ги қонун суриштирув, тергов ва судларнинг фаолиятини бевосита тартибга сола олмайдди. Бу қонундан келиб чиқадиган тартиб-қоидалар тегишли процессуал кодексларда ақс эътириладиган учун бу муаммо 2000 йил июлида Республика Конституциявий судда ҳам муҳофиза этилган эди. Бироқ бу масала ҳозирга қадар ўзининг ечимини топгани йўқ. Гап шундаки, Жиноят Процессуал Кодексидан ҳимоянинг маъноси прокурор билан даяриқ тенглаштирилган. Бу, албатта, яхши. Нега деганда, давлат айбловчиси каби ҳимоячи ҳам ўз фикрини тасдиқлаш учун далил тақдим этишига ҳақли. Бироқ далилни тақдим этиш учун аввало уни излаш, топиш, тўлаш ва муайян тартибда расмийлаштириш керак. Айблов томон бундан амалга ошириш учун зарур ваколатларга эга. Лекин ҳимоячининг далил тўлашга оид ҳуқуқлари кодексда ўз ифодасини топмаган. Бу эса табиийки, ҳимоячи ўз ваколатини тўлиқ амалга оширишда бир қатор тўқилликларни юзга келтирилади.

Шу билан бирга Жиноят Процессуал Кодексидан ҳимоянинг маъноси прокурор билан даяриқ тенглаштирилган. Бу, албатта, яхши. Нега деганда, давлат айбловчиси каби ҳимоячи ҳам ўз фикрини тасдиқлаш учун далил тақдим этишига ҳақли. Бироқ далилни тақдим этиш учун аввало уни излаш, топиш, тўлаш ва муайян тартибда расмийлаштириш керак. Айблов томон бундан амалга ошириш учун зарур ваколатларга эга. Лекин ҳимоячининг далил тўлашга оид ҳуқуқлари кодексда ўз ифодасини топмаган. Бу эса табиийки, ҳимоячи ўз ваколатини тўлиқ амалга оширишда бир қатор тўқилликларни юзга келтирилади.

Шу билан бирга Жиноят Процессуал Кодексидан ҳимоянинг маъноси прокурор билан даяриқ тенглаштирилган. Бу, албатта, яхши. Нега деганда, давлат айбловчиси каби ҳимоячи ҳам ўз фикрини тасдиқлаш учун далил тақдим этишига ҳақли. Бироқ далилни тақдим этиш учун аввало уни излаш, топиш, тўлаш ва муайян тартибда расмийлаштириш керак. Айблов томон бундан амалга ошириш учун зарур ваколатларга эга. Лекин ҳимоячининг далил тўлашга оид ҳуқуқлари кодексда ўз ифодасини топмаган. Бу эса табиийки, ҳимоячи ўз ваколатини тўлиқ амалга оширишда бир қатор тўқилликларни юзга келтирилади.

Nuqtai nazar

суал Кодексидан айнан ҳимоячи фаолияти билан боғлиқ яна бир қатор масалаларни ҳал этишни ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Хусусан, ҳозирги тартибга кўра, адвокат ҳимояни ўз зиммасига олгани юридик маслаҳатхонанинг ордери билан расмийлаштирилади. Ана шу ордери суриштирувчи, терговчи ёки прокурорга бериши билан ўз вазифаларини бажаришига киришади. Амалиётда ордерни қабул қилмаслик, ҳимоячининг ишда қатнашини ҳеч қандай сабабсиз рад этиш ҳоллари онда-сонда бўлса-да, учраб туради. Менинчга, ҳақиқатан ҳам, гуноҳ қилинган, ушланган шахс ва айбланувчи ўз хоҳиши билан ҳимоячидан воз кечса, терговчи ордери бўйича ўз эътирозини ҳимоячига ёзма равишда ёзган бўлиши шарт. Ҳимоячи ўз навбатида норозилигини тўғрисида прокурорга ёхуд судга арз қилиш ҳуқуқига эга бўлиши керак. Ҳимоячининг ариза-асоси ҳал қилинганга қадар унинг ҳимояси остидаги шахс сўроқ қилинмаслиги кафолатлангани лозим.

Иккинчидан, суд тортишувисиз бўлмайди. Суд мажлисида давлат айбловчисининг иштироки шарт. Акс ҳолда судланувчи ва унинг ҳимоячиси судда билан тортишувига мажбур. Бу эса судьянинг бетараф, ҳолис бўлишига монелик қилади. Жиноят Процессуал Кодекснинг 409-моддаси ва 51-моддасининг 6-банди ўзaro зид ва аниқ ифодаланмаганига тўғрйли амалиётда давлат айбловчиси судда ҳамма вақт иштирок этиши шарт эмас, деган фикр мавжуд.

Менинчга, қонунда бу масала аниқ ва узи-қисил ҳал этилиши керак. Учинчидан, шахсининг ўз айбига иқроқлиги, албатта, адвокатнинг ҳузурида расмийлаштирилиши лозим. Аксарият ҳорижий давлатларда бу қоида адолатли ҳисобланиб, унга сўзсиз риоя қилинади.

Хулоса сифатида айтадиган бўлсак, ҳимоячи ва ҳимоя ҳуқуқига оид яна бир қанча масалалар борки, уларни ҳал этишда, муҳтарам Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, инсон манфаатлари устувор бўлиши керак.

Вазирлар Маҳкамасининг шу йил 18 июль куни бўлиб ўтган 2003 йилнинг бир ярим йиллигида иқтисодиёт ва ижтимоий соҳани ривожлантириш яқулири ҳамда ушбу соҳаларда ислохотларнинг муҳим устувор йўналишлари бўйича чора-тадбирларни амалга ошириш масалаларига бағишланган мажлисида Президентимиз Ислам Каримов баъзи жойларда одамларга ойлик иш ҳақлари, нафақа пуллари ўз вақтида берилмаётганини қаттиқ таъкид остига олди.

Qonun ko'magi

диқон кўприклардан фойдаланиш корхонасидан 34 миллион дебиторлик қарзи мавжуд бўлган. Шундай бўлса-да, корхона мутасаддилари корхона, ташкилот, ҳужаликлар ўртасидаги ҳисоб-китоблар юртишда ўзаро тўлов интизомини тартибга солувчи

БЕПАРВОЛИК ЖАЗОСИ

Ахир, ишчи-хизматчилар оғир давомда тер тўкиб меҳнат қилса-ю лекин иш ҳақларини оломаса, бундан ортиқ адолатсизлик бўлиши мумкинми? Афсуски, бугунги ҳаётимизда айрим масъулоти тўла иш эътибидан мутасаддиларнинг эътиборсизлиги тўғрйли ана шундай ҳоллар учраб турибди. Масалан, Шаҳрихон туманидаги автомобил йўллар бошқармасида шундай бўлди. Бошқармада 2002 йил июни ойидан бошлаб ойлик иш ҳақлари тўланмаган. Жорий йилнинг январь ойига қадар иш ҳақидан қарздорлик 17 миллион 698 минг сўмга етди. Узоқ вақт иш ҳақи оломлай сарсон бўлган ишчи-хизматчилар тоқтари тоқ бўлиб, охири вилоят прокуратурасига ариза билан мурожаат қилишди. Ушбу ариза асосида ўқазилган текшириш ва тафтишлар натижасида ойлик иш ҳақларининг давлат берилмагани сабаблари аниқланди. Бунга бошқарманинг дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ортиб кетгани асосий сабаб бўлган. Корхонанинг бажарган йўл қилиши ва таъмирлаши ишлари ҳисобидан ташкилот қорхоналардан 2002 йилнинг сентябр ойидан шу йилнинг март ойигача бўлган даврда 7,3 миллион сўм дебитор қарзлари ва 194,4 миллион сўм кредиторлик қарзлари мавжуд бўлган.

қонунчилик талабларини бузиб, бошқарманинг мuddати ўтган дебитор қарзларини қонунда белгиланган мuddатларда ундириш чораларини қўрмаган. Бу билан улар томонидан "Халқ ҳужаликида ҳисоб-китоблар ўз вақтида ўқазиллиши учун корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг масъулоти охири ширин борасидаги чора-тадбирлари тўғрисида"ги ҳамда "Бюджет билан ҳисоб-китоб учун ҳужалик юртиувчи субъектларнинг масъулоти охири ширин чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарорлари билан белгиланган тартибда ҳужалик судларига даъво ариза қилиб, қарзларни ундиришга қийинлашган. Бундай бепарволик, лоқайдлик тўғрйли дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг мuddати ўтиб, кун яқин қўйиб бораверган. Натижада ишчи-хизматчилар иш ҳақларини ололмаган. Шунинг учун жиноят ишлари бўйича Шаҳрихон туман суди ҳукми билан Турсунали Жўраев ва Муҳторжон Солиевларнинг ҳар бирига 200 минг сўмдан жарима жазоси тайинланди. У ва давлат фойдасига ундирилди. Шу тарихи бепарволик қилган раҳбарлар қонун олдида жаъоб беришиди.

Уқазилган тафтишда шу йилнинг 1 феврал холатига кўра корхонанинг 415 миллион сўмлик дебиторлик қарзининг мuddати ўтгани маълум бўлди. Корхонанинг Олтинқўл туманлараро автомобил йўллар бошқармасидан 359 миллион сўм, Балчиқ туманлараро автомобил йўллар бошқармасидан 82 миллион сўм, Ан-

Энг муҳими эса, қонун қўмағи билан бажариш ишчи-хизматчилар ўз иш ҳақларини тўлиқ олишди. Улар ҳозирда астойдил меҳнат қилишмоқда.

Бахтиёр ҚОРАБОВ, ҳуқуқшунос Илҳомжон ЭҒАМНАЗАРОВ, "Инсон ва қонун" муҳбири

Gazetxon xat yo'llabdi

Ҳурматли таҳририят ходимлари! Газетангизнинг ҳар бир сонини катта қизиқиш билан ўқиб бораман. Шунинг учун ўзим ҳам ҳаётимдаги бир муаммони ҳал этишда ёрдам сўраб, хат ёзишга қарор қилдим.

Гап шундаки, бир неча йилдан буён воёга етмаган икки фарзандим учун собиқ турмуш ўртоғим — Андихон вилояти, Шаҳрихон шаҳри Чўжа қишлоғида яшовчи Умурзоқов Аъзамжондан алимент ололмаганман.

Мен бу ҳақда бир қатор идораларга мурожаат қилган бўлсам-да, ҳеч қандай натижа қилмади. Бунинг устига янги ўқув йили бошлангани ҳам оз вақт қолди. Болаларим мактабга бориши керак. Шунга уст-бош, дарслик, ўқув қуроллари олиб бериш лозим. Аёл бошим билан топганим рўзгорини ортайди.

Ҳужайимини ота бўлиб фарзандларидан ҳолдан бирор марта хабар олгани йўқ. Бу ҳам майли, ҳатто тайинлаб айтганимга қарамай, у ўғлимизнинг суннат тўйига ҳам келмади.

Мен фарзандларимни шу юртининг муносиб фарзандлари қилиб тарбиялашга бор кучимни аямий ҳаракат қилмоқдаман. Ҳали ўқитувчи бўлганим учун уларни ахлоқ-одоб тўғрисида ҳозирдан қайғуриш кераклигини яхши биламан. Ҳеч қанча кўнгли чўкмасин, отасига нисбатан кўнглиларидан нафрат уйғонмасин деб уларга ҳеч қанча ёмонламайман. Ҳар доим болаларимга оталарнинг яхши одами, бир кунмас бир кун, албатта, келади, дейман.

Майли, у кишига ҳам худо инсоф берсин. Ноилож. Ҳеч бўлмаса, ота меҳридан бенасиб болаларига бўйнидаги қарз бўлган алимент нафқасининг ўз вақтида тўлаб турса, бўларди? Охири марта 1998 йил август ойида нафақа олганман, холос. Агар унинг кўнглида заррача меҳр-оқибат қолган бўлса, менинг дил сузларин кўнглини юмшатармикан...

Гулнора НУРУЛЛАЕВА, Жиззах шаҳри, Н.Кўшоқов кўчаси, 114 уй.



Мозийдан нур

Жаҳон судлоқ амалиёти тарихида айбни бўйнига олиш битими кенг қўлланилади. Шунинг таъкидлаш жоизки, мазкур институт ўзига хос ривожланиш тарихига эга.

Унинг юзга келиши марказлашган абсолют монархия тизими билан чамбарчас боғлиқ. Чунки айнан шу пайтда жиноятни таъқиб этиш ва жазолаш давлат вазифасига айланган. Бу эса оддий жиноят ишларини қўриувчи судлов жараёнида хусусий тортишув тизимини вужудга келтирди. Шу билан бирга Европа қитъасида судлов жараёнининг янги

ишига бириктирилган далилларнинг қонунийлиги ва етарлигидини махфий текширишга йўналтирилган.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, "Айбни бўйнига олиш битимлари" Америкада XIX-аср бошида жиноят ишларининг 60 фоизи битимлар тўғрисида, яъни суд терговисиз маслаҳатчилар иштирокида ҳал этилган.

Jahon tajribasi

эса фақат судья ваколатлидир. Шу боис прокурор судьянинг иштирокидагина айбонни бўйнига олиш, маслаҳатчилар суддан воз кечса, унга 5 йилдан 8 йилгача озодликдан маҳрум этиш ҳазосини сўраши, бу эса умрбод озодликдан маҳрум этиш ҳазосининг тайинланганига олиб келиши мумкинлигини тушутирилади. Бироқ айбланувчи ҳақ тегишли ишчи маслаҳатчилар судида қўришни талаб этган. Натijaда маслаҳатчилар янги айблов бўйича айблов ҳукми

миқдорда бўлмаган ўғриллик бўйича жиноят ишчи қўриштирилган агар у айбонни бўйнига олиш, маслаҳатчилар суддан воз кечса, унга 5 йилдан 8 йилгача озодликдан маҳрум этиш ҳазосини сўраши, бу эса умрбод озодликдан маҳрум этиш ҳазосининг тайинланганига олиб келиши мумкинлигини тушутирилади. Бироқ айбланувчи ҳақ тегишли ишчи маслаҳатчилар судида қўришни талаб этган. Натijaда маслаҳатчилар янги айблов бўйича айблов ҳукми

АЙБНИ БЎЙНИГА ОЛИШ БИТИМИ

тури мавжуд бўлиб, унда жабрланувчи ва ғувоҳлар бўлмаган. Масалан, монархия ҳақоратлаш (пасквил) шунда суд жараёни ҳисобланган. Бундай ишларда давлатнинг ўзи жабрланувчи бўлган. Бу эса ушбу жиноятнинг содир этилганини илмий жиҳатдан тасдиқлаб берувчи процессуал шахсга зарурат туғдирди. У кейинчалик судья деб аталди. Шунингдек, давлат боқимча-боқимча равишда фуқароларга зиён етказувчи жиноят ишлари бўйича суриштирув ишларини олиб бориш мажбуриятини ўз зиммасига олди.

УНИНГ ПАЙДО БЎЛИШ ТАРИХИ ВА БУГУНГИ КУНДАГИ АҲАМИЯТИ ХУСУСИДА БАЪЗИ МУЛОҲАЗАЛАР

Испанияда айбловчи (давлат ёки жамоат айбловчиси) иши бўйича ўзининг хулосаларини ёзма равишда берган, унга ҳимоячи жаъоби ёзилган. Ушбу ҳужжатлар тарафларнинг жиноят тарихини ва жаъо миқдорини белгиллаш тўғрисидаги маълумотларини ўз ичига олган. XIX асрнинг ўрталарида келиб айбланувчининг айбловчининг тақлиф қиладиган таснифи билан келишуви амалиётга жорий этилди. Бунда судланувчи ёки айбланувчи айблов билан келишганини билдиргач, судья иш бўйича ҳукм чиқарар эди.

ни чиқаришган ва судда расмий эътиборни унинг умрбод озодликдан маҳрум этиш ҳазоси бўйича ҳукм чиқарган.

АҚШда маслаҳатчилар судида ютказган тарафга жаъо битим бўйича музокара олиб бориладиган пайтда тақлиф қилинган жаъодан анча оғирроқ бўлишини ҳамма билади. Бундай мажбурий хусусият Европада кўриштирилганга асос бўлиши мумкин эмас, деган фикрни илгари суришган.

Таъкидлаш жоизки, қўриқчи профессионал судьялар айбни бўйнига олиш битими тизимини қўллаб-қувватлашда ва битим тузиш жараёнидаги музокараларда фаол қатнашади. Эслатиб ўтиш жоизки, Америка тортишув тизимида прокурор ва судьянинг вазифалари аниқ чегараланган: прокурор фақат айбнинг ҳақини белгиллаш ва ундан ис-талган пайтда воз кечиши мумкин. Жазони белгиллашга

АҚШ жиноят процессида мазкур битимнинг асосий мақсади оғир суд терговини чет-лаш ва ундан иборат. Бу ерда давлатка тергов расмий равишда полиция томонидан амалга оширилади. Бундан фақат коррупция ва ушган жиноятчилик билан боғлиқ оғир ишларни қўриувчи 12 нафардан 23 нафаргача ҳуқуқшунослик ихтисосига эга бўлмаган кишилардан иборат "Катта жюри"да қўридан ишлар мустаснодир.

Давлат айбловчисининг айбланувчи билан битим бўйича музокара олиб бораётган пайтдаги ютуғи оғир жазони сўраши билан қўриштирилади. Бу жазолар айбланувчининг жазони енгиллаштириш ваъзига маслаҳатчилар судидан воз кечишига ундайди. Масалан, АҚШ Олий судида қўриб чиниқилган моддий қийматга эга бўлган ҳужжатни сохталаштириш йўли билан унча катта

ЎСМИР НЕГА ЖИНОЯТГА ҚЎЛ УРДИ?

Воёга етмаган ёшда айрим болаларнинг жаъоматчилик эътиборидан четда қолиб кетаётгани уларнинг жиноят ўқига кириб кетишига сабаб бўлмоқда. Мисол учун айтсак, Чирокчи туманида ўтган йилнинг 9 ойида воёга етмаган томонидан содир этилган жиноятлар аввалги йилга нисбатан 4 тага ўсган. Шу боис туман прокуратураси томонидан ҳудудда содир этилган қонунбузарлик ва жиноятчиликнинг аҳоли, уларни содир этилмишига шарт-шароит яратиб бераётган ҳолатлар туман ИИБ, туман ҳокимлиги қошқидига воёга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссия, халқ таълими бўлими, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорликда бир неча бор атрофлиқа таҳлил ва муҳокама қилинди. Жойларда профилактик тадбирлар, тарғиб-таъшиқот ишлари қўйилди.

матов билан жиноят тили бириктириб, И. Раҳмонованинг уйига яширин равишда кириб, унинг хонадонига яшовчи Муҳторжон Исмоиловнинг 282900 сўмлик мобил-қўриқни ўғирлаб кетган. Содир этган жиноятлар вақтида қўриқ этилмаганлидан "Илҳомжон" Ақром ўз қишлоқини давом этириб, ўтган йилнинг 7 март куни маҳалладаги Файзулла Бекмуродовнинг дарвозасини куч билан очиб, ҳовлида турган энгил автомашина ичидан у юз минг сўмлик автомагнитофони ўғирлаётганда хонадон соҳиблари қўриб қолган. Унга тааллуқли ҳар иккала жиноят иши ҳам айблов хулосаси билан судга юборилган. Бироқ Ақромнинг яшаш жойидagi фуқаролар раиси номига юборилган тақдимнома ҳужжатларини ёзилган бўлиб, фақат тарғиб-таъшиқот ишлари олиб борилмаганлигини қайд этиш билан чегараланган, холос. Шунингдек, бошқа тақдимномаларда ҳам жиноятларга шарт-шароит яратиб бераётган омилиларнинг олдин оlish иш ва бартараф этиш ҳақида жуъали тақлифлар баён этилмаган.

Бироқ аниқланган қамчиликлардан қўриқ юмиш қийин, албатта. Масалан, тергов даврида воёга етмаган Ақрам Раҳмонов наоми билан биргаликда яшаб — ҳеч жойда ўқимаган ёки ишламасдан ўғирлик жиноятни содир этиб келган. У воёга етмаган шериги Бекзод Нор-

(Давомини тўртинчи бетда)

ЖАЁТ МЕЪЁРИ

Ma naviy saboqlar

"Хамма нарсанинг меъёри бўлиши керак", деган ибора тез-тез қулоққа чалиниб туради. Лекин унинг замиридаги маъно-моҳияти хамма ҳам англаб етасанми...

Шима. Қуёш одатий ҳаракат қилишидан Ер қуррасига озгина яқинлашса ёки узоқлашса заминимиздаги ҳаёт тарзини ўзгартириб юбора...

сиз мавжудот ҳаётида парокандаликни келтириб чиқарар экан. Табиийки, инсон ҳаёти ҳам шундай меъёр ва тартиб ҳужмига бўйсунарди...

ёганини ўзи ҳам сезмай қолиши мумкин. Кўпини кўрган ва ҳаётнинг ачқич-чучугини тотган кишиларнинг сўзига қараганда, одамларнинг тўғри йўлдан адашиб кетишига уларнинг ўзлари қилган амаллар сабаб бўлар экан...

ча, у бунга англашдан бўйин товлаб яшайдиган бўлса, ўзига катта дард ва мусибатни сотиб олиши мумкин. Бундан фақат ўзи қийналиб азоб чекадиган бўлса, бунга ўзи айбдор ҳисобланади...

Falsafa va qonun

АРТУР ШОПЕНГАУЭР: ШАРҚҚА ЮЗЛАНИШ

Артур Шопенгауэр номи Европа файласуфлари орасида алоҳида маккага эга: кўпчилик файласуфлар унинг замонида оптимист кайфиятда бўлган бир пайтда у моҳиятини песемизмдан топган; фалсафий трактатлари худди Гегель ёхуд Кантнинг ҳам ўхшаш илмий эмас, бироқ илмийликдан узоқлашиш ҳақи кетмаган; бошқа файласуфлар ўз асарларида кўпроқ ўзидан олдун ўтган ҳамкасбларининг қарашларига суянган бўлса, у адабиёт ва санъат асарларига суянган, ўз асарлари билан санъаткорлар орасида ҳам, файласуфлар орасида ҳам бирдек шухрат топган...

Артур Шопенгауэр 1788 йили Данцигда дунёга келади. Унинг ота-онаси кўзга кўринган савдогарлар табақасига мансуб эди. Данциг Пруссияга қўшиб олингандан сўнг улар оиласи билан Гамбургга кўчиб кетишади. Шопенгауэр Гамбургда бир оз вақт яшаб Париж, сўнг эса Англияга келиб қочди. Артур Шопенгауэр отаси айтгандек, савдогарчиликка ҳар қанча ҳаракат қилмасин, адабиётга ва санъатга бўлган қизиқиши устун қочди. Оқибатда бу қизиқиши уни университетга етказиб қолди.

Гамбургдалик пайтда у Тик, Новалис ва Гофман сингари файласуфлар қарашлари таъсирида бўлди. Фридрих Шлегел туйғали эса унда ҳинд фалсафасига ҳавас пайдо бўлди ва бу унинг қарашларини тубдан ўзгартириб юборди. Дастлабки тахсилни Геттинген ва Берлин шаҳарларида олди. Бу университетларда у Кант қарашлари билан чуқурроқ танишди. 1819 йили унинг "Олам ирода ва тасаввур маҳсули сифатида" номли тадқиқоти бошланди. Бироқ унинг бу китоби муваффақиятсизликка учради. 800 донна нашр этилган китобдан икки йилдан кейин ўзи икки юз доннагина сотилди, холос. 1820 йилда Берлин университетига ўқитувчилик учун диссертация химоси бўлиб ўтди. Химоса жараёни анча қўнғин келди. Чунки унинг диссертацияси Гегель томонида қаттиқ танқид қилинди. Бироқ шундай бўлса-да, диссертация химоси қилган Шопенгауэр ўзига қаттиқ ишонгани туйғали ўз лекцияларини Гегель билан бир пайтда қўйди. Аммо натижа у кутгандай бўлмади. Авалига унинг маърузасига беш нафар талаба иштирок этиди, кейинчалик эса ҳеч қанча қатнашмай қўйди ва у университетдан кетишга мажбур бўлди. Артур Шопенгауэр Берлин тарқ этган, Франкфурт-на-Майнга кўчиб боради ва умрининг сўнгига қадар шу шаҳарда яшаб қолади.

Эллик икки ёшида, яъни 1836 йилда унинг "Ирода эркинлиги" тадқиқоти Норвегия кириллиги академиясининг йиллик бую маъмуотида сазовор бўлди. Шундан кейин унинг асарлари кетма-кет босила бошлади. Хўш, Артур Шопенгауэрнинг негиз ўз даври ўқувчилари қабул қила олмадилар. Бу саволга жавоб тариқасида шуни айтиш жоизки, бу ҳол, бироқнинг, файласуф яшаган давр руҳияти билан боғлиқ. Негаки, ўша давр руҳияти Артур Шопенгауэр дунёқарашини ўзига сингирдирилмади, янада тўғрироғи, бунга ҳали вазият этилмаган эди: бу француз инқилобидан кейин Европада бошланган, 1848-1849 йилларга келиб, барча мамлакатларни қамраб олган иккинчи тартибсизликлар, Кант ва Гегель қарашлари тўла ҳукмронлик қилаётган бир давр эди. Иккинчи томондан эса, унинг асарлари ўзидан олдинги файласуфлардан буткул фарқ қиладиган жиҳатларга эга эди. Шопенгауэрдан илгари яшаган файласуфларда, айниқса, Гегелда олий руҳга ишонч устун бўлган бўлса, Шопенгауэрда эса романтика ва мистикага мойиллик кучли эди. У кўп ҳолларда Кантни инкор қилса-да, аслида у Кантдан "ўсиб чиққан" эди.

Капитализмнинг тез суратларда ривожланиши, ўша давр кишиларнинг турмуш тарзигагина эманас, ташушча ва тасаввурларига ҳам таъсир эта бошлаган, кеңагина оптимистик кайфиятда бўлганлар, бу даврга келиб, тушун кўри кайфиятнинг қулга айланган эди. Худди ана шундай бир вазиятда Шопенгауэрга эҳтиёж туғилди. Файласуф жамиятдаги ўзи жараёнин олдидан кўра билган эди. Шунинг учун ҳам унинг асарларида, энг аввало, инсоннинг бўқилмас иродасига бўлган уқан ишонч эди. Шопенгауэр қийнаган муаммолардан бири бу инсоннинг бахтли бўлиш муаммосидир; у инсонларнинг бахтли бўлишини исхотиди. Бироқ бу йўлда кўп тўсиқлар, англашилмовчиликлар ҳам мавжуд эканлигини таъкидлайди. Шопенгауэр таълимоти бу Кантнинг ўзгартирилган ва ривожлантирилган таълимоти. У Фихте ва Гегелдан фарқли уларок, Кантга бошқача ёндашди. Гегел ва Фихте Кантнинг "нарсга ўзидир" деган қарашини танқид қилган бўлса, Артур Шопенгауэр, аксинча,

РАШК - БАҲОНА ЭМАС!

Jinoyat va jazo

Ҳар бир инсонда рашк туйғуси мавжуд. Лекин рашк ҳам меъёридан ошиб кетса, оқибати яхшилик билан тугамайди. Бунинг сирдорлиги Абдуҳаким Эгамбердиев яқинда ўз бошидан кечирди. Абдуҳаким турмуш ўртоғи Асалои билан ўн беш йил бирга рўзгор тебратилди. Бу орада олти нафар фарзандли бўлишди. Бироқ сўнги кезларда эр-хотин бир-бирдан айб ишлаб, арзимас баҳона билан эсанжалашадиган бўлди.

май юрганини, уйда жанжал чиқарверган, келини бир неча марта кетмоқчи бўлганини, лекин у келинини юпатиб қайтариб қолганини айтади.

Бошқа гувоҳларнинг қўрсатмаси ҳам Абдуҳакимнинг шу бхали вақолатини рад этди. Шундай бўлса-да, Абдуҳаким судда хотинини пичоклагани учун ўзини тўлиқ айбдор деб ҳисобламади. Шунингдек, у суддан ўзини хотинини ўлдирishi фикри бўлмагани учун "қисман айбдор" деб топишларини ва чин қўнгилдан пушаймон бўлгани ва қарамоғидан олти нафар ёш фарзанди борлиги учун суддан енгиллик берилишини сўради. Бироқ суд "қисман" ва "чин қўнгилдан пушаймон" деган вақолатини ҳисобга олмади. Рашк, бевафолик ҳақидаги уйдирмалар ҳам вақ ўринга ўтмади. Ахир, одам қиёфасини йўқотган коти болалар ҳақида ҳамхўрлик қилиши мумкинми? Суд хайъати бу масалани атрофлича муҳокама қилди. Абдуҳаким айбини енгиллаштириш учун турли баҳоналарни ўйлаб топса-да, суд уни зўқ муддатга озодликдан маҳрум этди. Шу тарихда рашк баҳонасида ўз хотини умрига зомин бўлган қотил тегишли жазосини олди. Лекин фарзандларнинг қалбидан аччиқ ва армонли кўпалаб саволлар қолди. Улар бу саволларга жўяли жавоб топиша олармикин?

Ҳазрат РУСТАМОВ, ҳуқуқшунос Абдулазиз ЯХШИЛИКОВ, "Инсон ва қонун" муҳбири

ЎСМИР НЕГА ЖИНОЯТГА ҚЎЛ УРДИ?

Tahlil va xulosa

(Давоми. Боши учинчи бетда) Ҳатто воғая етмаган Акром Раҳмоновнинг спиртли ичимлик ичишга тақлиб қилиб, уни савдо бўлидан қардор бўлиб қолишига сабабчи дўканин шахслар Б.Отмуродов, А.Турдиевларга нисбатан жамоат ишлари бериш ёки бошқа бир тарбивий ишлари олиб бориш ҳақида "лом-мим" дейилмаган. Бундан ташқари, воғая етмаганларнинг барчаси ўқимасдан, ишламасдан юргани оқибатида жиноятга қўл уришадиган тергов идораси ва воғая етмаганлар нозирлигига яхши маълум бўлса-да, уларни фойдаланган ҳолда қўлиш учун тегишли чоралар қўрилмаган.

лан таъминланмаган. Спорт тўғрисида эса номини аниқлашди. Дарсдан кейин ўтказиладиган фан тўғрисида ҳам қатъий ҳақдорасида ишламайди. Баъзи мактаб бинолари яроқсиз ҳолга келиб қолган. 2001-2002 йилларда зилзиладан зарар кўрган мактаблар учун 14 та янги илм ўқоқлари қўрилиш режалаштирилган бўлса-да, улар ҳали фойдаланишга топширилмаган. Мослаштирилган мактаб бинолари сони 118 тани, ҳароба ҳолатдаги мактаблар сони 32 тани, ночор ҳолатдагилари эса 26 тани, қурилиши тўхтаб қолган мактаблар сони 24 тани ташкил этиши туманда халқ таълими муассасаларига жиддий эътибор бериши талоқоз эди. Шу боис туман прокуратураси томонидан туман халқ таълими бўлими, вилоят халқ таълими бошқармасига мактабларга тегишли камчиликларни бартафоз этиш тўғрисида икки бора тақдирнома киритилди.

Устига-устак, кўпчилик воғая етмаганларнинг ота-оналари маъмурий жавобгарликка тортилмаган. Хуллас, тергов идораси, нозирлик ва комиссия ўртасида мустақкам ҳамкорликнинг йўлиги тақдирномадор қорозда қўлиб қетишига эътибор қилинган.

Хуллас, Чирокчи туманида воғая етмаганлар ўртасида содир этилган қонунбузарликлар тахлили бола тарбияси билан боғлиқ ишларда ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш лозимлигини қўрсатмоқда. Бинобарин, ўсмирлар тарбиясига беғавор бўлишга ҳеч қандай ҳаққи йўқ. Чунки келажак ёш авлодини қўлида. Шу боис соғлом авлодни тарбиялаб воғая етказиш ҳар бир юртоқдоминининг муқаддас бурчи ҳисобланади.

Бундай ҳолатнинг бир илдизи тумандаги баъзи мактабларнинг аҳолига ҳақ бориб талқимокда. Чунки ҳозирги пайтда туманда 43827 нафар ўқувчилар таълим бериш учун мўлжалланган 196 та мактаб мавжуд. Амалда эса туманда 77804 нафар ўқувчи таълим олмақда. Шунингдек, туманда 127 нафар фан ўқувчилари етмайди. 155 та мактабда икки, 7 та мактабда эса уч сменада дарс ўтилмоқда. 168 та мактабда телефон алоқаси ўрнатилмаган. 33 та мактабда спорт заллари, 102 та мактабда ёғи спорт майдонлари бор. Энг ёмони, аксарият мактаблар спорт жиҳозлари би-

Мухсин ИСМОИЛОВ, ҳуқуқшунос Ғоzi РАҲМОН, "Инсон ва қонун" муҳбири

Бирок ҳаётда тилида таваба қилса-да, дилида ғараз ниётидан қайтмайдиган кимсалар ҳам учраб туради. Қирқ ёшли Олим Мавлоновга ўхшаган устаси фаранглар бу борада хатто шайтонни ҳам алдашга қўриб етди. Икки нафар фарзанди бўлган оилали бу кимса Бухородан Навоийга келиб, шайтон вассавасига тушиб, хийла-найранг ордасидан кўн кўрмоқчи бўлди. Қўза кунда синида деганларидек, Олим ниҳоят қўлга тушди. Бошқача айтганда, унинг "қўзаси" синди. Шу ўринда унинг шахси ҳақида гапирадиган бўлсақ, О.Мавлонов муқаддас судданган. 1997 йилда

чиқармаган экан. Чунки озодликка чиққан, яна жиноят йўлига кирди. Гап шундаки, 2003 йил 30 январь кун эрталаб у Ж.Шодмонова ишларидиган Навоий шаҳридаги савдо дўконига кириб келади. Худди

ИНСОН ВА ҚОНУН
МУАССАСА: ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИА ВАЗИРЛИГИ
1996 йилнинг январидан нашр этилади
1998 йил 2 июлда Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00141-рақам билан рўйхатга олинган



Ўшбу сондаги суратлар муаллифи: Абдуғани ЖУМАЕВ

ЎРИНДОШЛИК УНГА МУВОФИҚ ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

Бугунги ҳаётимизда ўриндошлик бўйича ишлаш, деган гаплар тез-тез қулоққа чалиниб туради. Албатта, бугун ҳар бир киши ўриндошлик асосида ишлаши мумкин. Ўриндошлик бўйича фаолиятнинг қонуний асослари мавжудки, қуйида ана шу ҳақда фикр юритамиз. Ўриндошликда, яъни ҳодим томонидан асосий ишдан ташқари бошқа меҳнат шартномаси (контракт) асосида ҳақ тўланадиган ишни бажарганда, бажарилган иш учун меҳнатга ҳақ тўланади. Ўриндошлик билан ишлаётганларга меҳнатга вақтбўй ҳақ тўлаш билан техник асослаштирилган меъёрланган топшириқлар оқуллатилганда, ҳақиқатда бажарилган ишлар ҳажмига қараб, тугал натижалар бўйича ҳақ тўланади. Демак, иш бېровчи ўриндошлик бўйича ишлайдиган ҳодим билан меҳнат шартномаси тўзганда, меҳнатга ҳақ тўлашининг вақтбўй ёки ишбай тизими ҳақида қилиб олиши зарур. Ишбай тизими бўйича ҳодим ишга қабул қилинганда бу ҳақда буйруқ (фармойиш)да "меҳнатга ҳақ тўлаш ҳақиқатда бажарилган иш ҳажмидан келиб чиққан

ЎРИНДОШЛИК УНГА МУВОФИҚ ИШГА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ
Мана:
Ўриндошлик бўйича ишга қабул қилиш
200__ йил
__дан 200__ йил
__гача ўриндошлик бўйича
тўлиқсиз иш қуни (соат __дан соат __гача) ва меҳнатга ойига __сў маош миқдоридан келиб чиққан ҳолда иш қилиш шартини билан (цеҳ, бўлима номи)га (касб, вазифа номи) вазифасига ишга қабул қилинсин.
Асос: __аризаси, меҳнат шартномаси, Меҳнат кодексининг 119, 160-моддалари.
Буйруқ нусхасини олдим: __ (имзо) (сана)

Руқи учун масъул: ҳуқуқшунос Т. ҚОҲҒИДИЕВ

Mitti maslahat

Бош муҳаррир: Шодикул ҲАМРОЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Ихтиёр АБДУЛЛАЕВ
Бўришот МУСТАҒОЕВ
Пуллат САМАТОВ
Хуриш СОДИҚОВ
Эркин ҚУДРАТОВ
Сайфидин РАҲИМОВ
Ғафур АБДУМАЖИДОВ
Холли НОРБЎЙ
Нормейн НОРПУЛАТОВ

Саҳифаловчи-дизайнер: Ж. ЖАББОРОВ
Навбатчи: Бобомурод РАЙИМОВ

Индекс: 646882
"ИНСОН ВА ҚОНУН" газетаси таҳририяти компьютер баъзада тарихи ва саҳифаларини А-2 бичида, 2 босма таъқиб ҳақида, оғират устулда шайлар "нарийн" натижа ва акциядорлик компанияси басмадан сўраб босилди. Корреспондентлик: Тошкент шаҳри, Буюк Тўқсан кўчаси 41-ўй, Бўришот ма Ғ-559. Тиражи — 10.000. Босишга топширилган вақти — 21.00. Топширилди — 22.30.
Манзил: Тошкент ш. Сайилгоҳ кўчаси-5. Тел: 133-70-65, 133-84-50